

ШАРТНОМАСИ № 1

Андижон шаҳар

«24» 01 2022 йил

Бизлар ким куйида имзо чекиб узаро шартнома тузувчилар Бир томондан **ЯТТ Усмонов Жаҳонгир** раҳбари **Ж. Усмонов** келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан **Андижон қишлоқ Ободонлаш башқармани** номидан раҳбар **Ғ. Шермухаммадов** келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» куйида курсатилган махсулотни сифатли равишда «Буюртмачи»ни буюртмасига асосан етказиб бериш махсулятини, «Харидор» эса ушбу молларни «Таъминотчи»дан сифатли холда қабул қилиб, сотиб олиш вазифасини олади:

№	Махсулот номи	Ўлч. Бир	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати
1	Хризантема	дона	372	16800	6249600
2	Вилера	дона	10000	2975	29750000
					35999600

2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун бериладиган меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 35999600, 49943 беш миллион 49943 103 сум ни ташкил этади.

3.2. Ҳисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома қучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг 5 банк иш қунида «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотнинг умумий суммасининг \_\_\_%изини олдиндан аванс тарикасида «таъминотчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қоган охирага \_\_\_% изини «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган товарнинг ҳисо варақ фактуралари асосида 90 иш қунида ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилганидан сунг «Таъминотчи» 5 банк иш қуни давомида мазкур шартномада курсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган махсулотни «Буюртмачи»га етказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Таъминотчи» қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган махсулотни олдиндан ҳақ тулаши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажимда узил-қесил ҳисоб қилишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;
- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» қуйдагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.4-бандида назарда тутилган тартибда белгиланган муддатларда сифат миқдорда етказиб бериш;
- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативларидан чекланишга йул қуйган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча қамчиликларни 3-қун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб беришни талаб қилиш;
- Баҳосини мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- Уз буюртманомаси буйича етказиб берилган махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

## 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига муофик тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир тамонлама рад этишга ёки шартларни бир тамонлама узгартиришга йул қуйилмайди. Конун ҳужжатларда берилган ҳолларда бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи»нинг розилиги билан товар маҳсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» «Таъминотчи»га 5-кун олдин олинаниган маҳсулотлар учун буюртма беради.

5.5. Етказиб берилган товар маҳсулот бевосита «буюртмачининг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар маҳсулот бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида курсатилган муддатлар ва ҳажмда шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомасини бекор қилишга ёхуд товар маҳсулотни тегишли туркумланини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақида «Таъминотчи» нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан қаида 1-кун олдин хабардор қилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилмаган товар сифати микдори «Таъминотчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилмаган товар маҳсулотнинг сифатини шунинг уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб қитоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи» га нотугри ҳисоб-қитоб қилинган сумманинг 10% микдорида жарима тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товарнинг сифати, ассортимент, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа жавоб бермаган тақдирда айибдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган товар маҳсулот қийматининг 20% микдорида жарима тулайди.

6.3. Товар етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган товар маҳсулотнинг 10% микдорида жарима тулайди.

6.4. Товари етказиб бериш кечиктирилган ёки етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар маҳсулот қийматининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Таъминотчи» га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган тамонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига муофик қулланилади.

## 7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Тамонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари» агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун тамонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

8.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қиккан тақдирда тамонлар, қоидага қура мустаккил равишда улар судгача хал этиш чораларини қурадилар.

8.2. Тамонлар қелишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муружат қилишга ҳақлидир.

## 9. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир тамонда шартларни бажара олмаслиги ёки маҳсулот сифати микдори ва суммаси тугрисидаги узғариш булса, олдиндан узаро қелишувга асосан узгартириш қиритилади.

9.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, узаро қелишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатдан тенг қучли ҳисобланади.

## 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Шартнома тамонлар имзоланган ва тегишли Газначилик тизимидан руйхатдан утган кундан қучга қириб, 31 декабр 20\_\_ йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси «Таъминотчи»да сақланади иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

«Таъминотчи»	«Буюртмачи»
<b>ЯТТ Усмонов Жаҳонгир</b> Адрес: Андижон туман Пиллақаш куча 98уй Тел/факс: 998 94 433 20 05 р/сч 2021 8000 8052 7405 5001 Банк «Ориент финанс» ХАТБ Шайхонтохур филиали МФО: 01115 ИНН: 426 882 904 ОКЭД:-----	Номи: <u>Буюртмачи</u> Манзили: <u>Андижон куча 212уй</u> Тел/факс: _____ ШХР: <u>100022860034017011503110002</u> ИНН: <u>205990762</u> ОКЭД: <u>90211</u> Банк: <u>Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги</u> Газначилиги хр 23402000300100001010 МБ ББХКМ Тошкент шаҳар МФО: 00014 ИНН: 201122919
Раҳбар: <u>Ж.Усмонов</u>	Раҳбар: <u>Ғ.Шокиров</u>

# **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

## **1.Loyihaning turi.**

Shartnoma.

## **2.Loyihaning nomi.**

“Xrizantema” va “Viola” gul ko‘chatlarini sotib olish to‘g‘risida to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnoma.

Andijon shahar hokimligi “Obodonlashtirish” boshqarmasi bilan YaTT “Usmonov Jaxongir Maxmudovich” o‘rtasida, 22.04.2021-yildagi 684-sonli O‘zbekiston Respublikasini “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunining 71-moddasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-sonli O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorining 1-ilovasi 23-bandiga asosan to‘g‘ridan-to‘g‘ri “Xrizantema” gul ko‘chatlarini sotib olish uchun 6249600 (olti million ikki yuz qirq to‘qqiz ming olti yuz), “Viola” gul ko‘chatlarini sotib olish uchun 29750000 (yigirma to‘qqiz million yetti yuz ellik ming) jami 35999600 (o‘ttiz besh million to‘qqiz yuz to‘qson to‘qqiz ming olti yuz) so‘mlik “Xrizantema” gul ko‘chatlarini sotib olish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

## **3. Loyiha ishlab chiquvchisi**

Andijon shahar xokimligi “Obodonlashtirish” boshqarmasi. 28.01.2022-yil.

**Asos:** 22.04.2021-yildagi 684-sonli O‘zbekiston Respublikasini “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunining 71-moddasi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.20218 yildagi PQ-3953-sonli “O‘zbekiston Respublikasining Davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorining 1-ilovasi 23-bandi va Andijon shahar hokimining 28.01.2022-yildagi 10-1-29-F/22-sonli farmoyishi.

**Shartnoma loyihasini o‘rganish yuzasidan,**

## **XULOSA**

Shartnoma amaldagi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni va Andijon shahar hokimining 28.01.2022-yildagi 10-1-29-F/22-sonli farmoyishiga muvofiq

ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti:**



**U.Karabaeva**

**31.01.2022-yil**